



TRADE ROUTES OF EAST TURKESTAN IN THE LATE 19TH CENTURY: RUSSIAN EMBASSY AND ECONOMIC INTERESTS

Nilufar Mirzaitova

independent researcher

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: East Turkestan, Nikolai Kuleshov, Mikhail Butin, Russian Empire, Kashkar, Kokand, diplomatic and trade relations, embassy, trade routes, shopping centers, dynamics, expedition

Received: 31.03.25

Accepted: 02.04.25

Published: 04.04.25

Abstract: East Turkestan was one of the main trade routes between Central Asia and China in the 19th century and was considered an important part of the Great Silk Road. The Russian Empire, realizing the strategic importance of this region, sought to explore trade routes and expand its economic activities there. This article analyzes the economic and geopolitical importance of East Turkestan based on the diplomatic trips of Mikhail Butin in 1870-1871 and the Kashgar expedition of Nikolai Kuleshov in 1875. Comparative analysis-Kuleshov's information is compared with sources about Butin's embassy. East Turkestan played an important role as one of the trading centers of Central Asia in the second half of the 19th century. Trade routes between China, Russia and India passed through this area. In particular, the strategic location of Kashgar made it a major trade hub. This article analyzes the trade routes of East Turkestan in the second half of the 19th century, their economic significance, and the dynamics of change. The main source is Butin's embassy of 1871 and his reports. Cartographic analysis -the strategic importance of the routes is shown by analyzing 19th century maps and the changes in trade routes. Economic Analysis -The impact of trade routes on the economy and the dynamics of Russian and Chinese trade through Kashgar are examined.

ШАРҚИЙ ТУРКИСТОННИНГ XIX АСР ОХИРИДАГИ САВДО ЙЎЛЛАРИ: РОССИЯ ЭЛЧИЛИГИ ВА ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАР

Нилуфар Мирзаитова

мустақил изланувчи

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Шарқий Туркистон, Х.А.Чанышев, Николай Кулешов, Михаил Бутин, Россия империяси, Қашғар, Қўқон, дипломатик ва савдо алоқалари, элчилик, савдо йўллари, савдо марказлари, динамика, экспедиция.

Аннотация: Шарқий Туркистон XIX асрда Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги асосий савдо йўлларидан бири бўлиб, Буюк Ипак йўлининг муҳим қисмларидан ҳисобланган. Россия империяси бу минтақанинг стратегик аҳамиятини англаб, у ердаги савдо йўлларини ўрганиш ва иқтисодий фаoliyatiini кенгайтиришга ҳаракат қилган. Бу мақолада Михаил Бутиннинг 1870-1871 йиллардаги элчилик сафарлари ва Николай Кулешовнинг 1875 йилдаги Қашғар экспедицияси асосида Шарқий Туркистоннинг иқтисодий ва геосиёсий аҳамияти таҳлил қилинади. Қиёсий таҳлил – Кулешов маълумотлари Бутиннинг элчилиги ҳақидаги манбалар билан солиширилади. Шарқий Туркистон XIX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёнинг савдо марказларидан бири сифатида муҳим ўрин тутган. Хитой, Россия ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо йўллари айнан ушбу ҳудуд орқали ўтган. Айниқса, Қашғар шаҳрининг стратегик жойлашуви уни асосий савдо маконига айлантирган. Ушбу мақолада XIX асрнинг иккинчи ярмида Шарқий Туркистоннинг савдо йўллари, уларнинг иқтисодий аҳамияти ва ўзгариш динамикаси таҳлил қилинади. Асосий манба сифатида Бутиннинг 1871 йилдаги элчилиги ва унинг ҳисоботлари олиб қаралади. Картографик таҳлил – XIX аср хариталари ва савдо йўлларининг ўзгаришини таҳлил қилиш орқали йўлларнинг стратегик аҳамияти кўрсатилади. Иқтисодий таҳлил – Савдо йўлларининг иқтисодиётга таъсири ва Қашғар орқали Россия ва Хитой савdosinинг динамикаси кўриб чиқилади.

ТОРГОВЫЕ ПУТИ ВОСТОЧНОГО ТУРКЕСТАНА В КОНЦЕ XIX ВЕКА: РОССИЙСКОЕ ПОСОЛЬСТВО И ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИНТЕРЕСЫ

Нилуфар Мирзаитова

независимый исследователь

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Восточный Туркестан, К.А. Чанышев, Николай Кулешов, Михаил Бутин, Российская империя, Кашгар, Кокан, дипломатические и торговые отношения, посольство, торговые пути, торговые центры, динамика, экспедиция.

Аннотация: Восточный Туркестан был одним из главных торговых путей между Средней Азией и Китаем в XIX веке и считался важной частью Великого шелкового пути. Осознавая стратегическое значение этого региона, Российская империя пытлась освоить там торговые пути и расширить свою экономическую деятельность. В статье анализируется экономическое и geopolитическое значение Восточного Туркестана на основе дипломатических поездок Михаила Бутина в 1870-1871 годах и Кашгарской экспедиции Николая Кулешова в 1875 году. Сравнительный анализ – сведения Кулешова сопоставляются с источниками о посольстве Бутина. Восточный Туркестан занимал важное положение как один из торговых центров Средней Азии во второй половине XIX века. Через эту территорию проходили торговые пути между Китаем, Россией и Индией. В частности, стратегическое расположение города Кашгар сделало его крупным торговым центром. В статье анализируются торговые пути Восточного Туркестана во второй половине XIX века, их экономическое значение и динамика изменений. Основным источником является посольство Бутина 1871 года и его отчеты. Картографический анализ. Стратегическое значение дорог демонстрируется посредством анализа карт XIX века и изменений торговых путей. Экономический анализ. Рассматривается влияние торговых путей на экономику и динамика российской и китайской торговли через Кашгар.

Кириш

XIX асрнинг иккинчи ярмида Шарқий Туркистон, хусусан, Қашғар, халқаро савдо ва сиёсий муносабатларда мухим ўрин тутган. Бу даврда Россия ва Хитой Марказий

Осиёда ўз таъсир доираларини кенгайтиришга интилиб, Қашғар савдо йўлларининг стратегик аҳамиятини англаб етдилар. 1870-1871 йилларда Хитойга янги, яқинроқ қуруқлик йўлини очиш мақсадида ака-ука Бутинлар томонидан экспедиция уюштирилган. 1871 йилнинг 13 декабря М.Д.Бутин Россия Савдоси ва Саноатини ривожлантириш жамиятига иккинчи экспедиция юзасидан ҳисобот беради. Экспедициянинг асосий мақсади рус савдосини ривожлантириш учун қисқа йўл топиш эди. Бу мақсадда Бутин экспедициянинг барча харажатларини ўз зиммасига олади.

Россия хукумати Қашғар билан тўғридан-тўғри дипломатик ва савдо алоқаларини ўрнатишига ҳаракат қилди, бу эса Михаил Скобелев бошчилигидаги 1875 йилдаги элчилик билан яққол намоён бўлди. Қашғарга юборилган рус элчилиги ҳақидаги маълумотлар асосан замонавий тарихчилар, элчилик иштирокчилари ва кузатувчилар ёзган манбалар орқали маълум. Ушбу мақолада Николай Кулешовнинг “Русское посольство в Кашгар в 1875 году” асари асос қилиб олинади. Бу манба элчилик аъзолари, хусусан, Х.А. Чанышевнинг шахсий хотиралари ва воқеаларни бевосита қузатган шахсларнинг маълумотлари асосида ёзилган. Кулешовнинг тасвиirlари дипломатик миссиянинг аҳамияти, муваффакиятсизлик сабаблари ва Қашғарнинг ўша даврдаги геосиёсий мавқенини тушуниш учун муҳим манба ҳисобланади. Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади 1870-1871 йилги 1-гильдия савдогари М.Д.Бутиннинг Хитойга қилган экспедицияси ҳамда 1875 йилдаги рус элчилиги мисолида Қашғарнинг савдо йўлларидағи аҳамиятини таҳлил қилиш ва бу савдо йўлларининг динамикасини аниқлашдан иборат бўлган.

Асосий қисм

М.Д. Бутиннинг 1870-1871 йиллардаги экспедицияси ҳақидаги маълумотлар Қашғарга бевосита йўл очиш дипломатик жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам осон бўлмаганини кўрсатади. Бутин маълумотларига кўра, Қашғар хукумати Хитой ва Кўқон хукмдорлари ўртасида дипломатик мувозанатни сақлашга ҳаракат қилган, бу эса Россиянинг тўғридан-тўғри таъсир ўрнатишини чеклаган. Россия ва Хитой ўртасидаги савдо алоқаларининг динамикасига қўрадиган бўлсак, Россиянинг Қашғар билан савдо қилишдан кўзлаган асосий мақсади – Хитой бозорларига кириш эди. Аммо XIX асрнинг охирларида Хитой хукумати Марказий Осиёда ўз таъсирини кучайтиришга ҳаракат қилган. 1877 йилда Якуббек вафот этгач, Хитой қўшинлари Қашғарни қайта эгаллаб, унинг мустақиллигини тугатди. Бу воқеа Россиянинг Қашғар билан мустақил савдо олиб бориш имкониятларини чеклади. Мавжуд манбаларга кўра, XIX аср охирига келиб Қашғарнинг савдо баланси сезиларли даражада ошган. Айниқса, Россия билан

савдода: 1870-йилларда Қашғардан Россияга йилига 1-1,5 миллион рублга яқин товар экспорт қилинганды.

Хитой билан савдода: Қашғар Хитой учун муҳим иқтисодий манба бўлиб, чой ва ипак маҳсулотларининг асосий истеъмолчиси эди. Маҳаллий бозор: Қашғар бозорлари маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун ҳам муҳим эди, бу эса хунармандчилик ва дехқончиликни ривожлантириди.

Россия ва Хитой ўртасидаги савдо динамикасининг асосий хусусиятларини кўрадиган бўлсак, Россия Қашғар орқали Хитой бозорларига чиқишини хоҳлаган, лекин Хитой хукумати буни чеклашга ҳаракат қилган. Якуббек ҳокимияти даврида рус савдогарлари учун Қашқар бозорлари очик бўлган, лекин бу муносабатлар сиёсий бекарорлик туфайли муваффакиятсизликка учраган. 1877 йилда Хитойнинг Қашғарни қайта забт этиши Россиянинг ушбу худуддаги иқтисодий имкониятларини кескин чеклади.

1875 йилда Туркестан генерал-губернатори К.П. Кауфман Қашқар билан тўғридан-тўғри савдо алоқаларини ўрнатиш мақсадида Михаил Дмитриевич Скобелевни дипломатик элчиликка раҳбар қилиб тайинлади. Элчилик таркибида топограф Руднев, таржимон Чанышев ва 12 нафар казаклар бор эди. Элчиликнинг асосий вазифаси – Қашғар ҳокими Якуббек билан музокаралар ўtkазиш ва Россиянинг Кўқон орқали Қашғарга тўғридан-тўғри киришини таъминлаш эди.

Элчилик 1875 йил июлида Тошкентдан йўлга чиқиб, аввал Кўқонга етиб борди. Бу ерда улар Кўқон хони Худоярхон билан учрашиб, унинг ҳимоясида Қашғарга сафар қилишга тайёргарлик кўрди. Сафар давомида Скобелев ва унинг ҳамроҳлари Қашғар йўлида номақбул геосиёсий вазият, ноҳуш об-ҳаво шароити ва Якуббекнинг рус дипломатларига нисбатан шубҳаси каби қатор хавф-хатарларга дуч келадилар. Кулешов асарида таърифланганидек, XIX асрнинг иккинчи ярмида Қашғар ва Кўқон ўртасидаги муносабатлар кескин бўлган. Якуббек аввал Кўқон хони Худоярхон томонидан ҳудудни ҳимоя қилиш учун юборилган бўлса-да, кейинчалик у мустақил хукмдорга айланди ва ўз ҳудудини мустақил равишда бошлади. Бу эса Россия дипломатлари учун жиддий тўсиқ бўлди, чунки уларнинг Кўқон орқали Қашқарга кириш стратегияси Якуббекнинг қаршилигига учради. Россия Қашғар билан мустақил савдо алоқаларини ўрнатишга ҳаракат қилган бўлса, Кўқон бу жараённи ўз манфаатларига зид деб хисоблади. Шунинг учун Скобелев элчилиги Кўқон хукумати билан ҳам, Якуббек билан ҳам музокаралар олиб боришига тўғри келди. Элчиликнинг муваффакиятсизлиги сабабларига келадиган бўлсак, Кулешовнинг тасвирлашича, Скобелев элчилиги Қашғарга кириб боришга муваффақ

бўлмади ва ўз миссиясини бажара олмади. Бунинг бир нечта асосий сабаблари бор эди: **Биринчидан**, Яқуббекнинг сиёсий позицияси – У Россия билан тўғридан-тўғри муносабат ўрнатишдан ҳадиксирада ва Россиянинг Кўқон орқали киришини рад этар эди. **Иккинчидан**, Кўқон ва Қашғар ўртасидаги зиддиятлар – Россия Кўқон орқали Қашғарга кирмоқчи бўлди, аммо бу Кўқоннинг стратегик манфаатларига мос келмасди.

Учинчидан, ҳавфли геосиёсий муҳит – Шарқий Туркистондаги ноаниқ сиёсий вазият ва Кўқон хонлигининг ички бекарорлиги сафар муваффақиятини хавф остига кўйди. **Тўртминчидан**, элчиликка қарши ҳужумлар ва хавф-хатарлар – Сафар давомида элчиликга турли хавф-хатарлар, жумладан, потенциал ҳужумлар ва номақбул шароитлар таъсир қилди.

Шарқий Туркистон савдо йўллари ва уларнинг ўзгариши- Қашғарнинг XIX - асрдаги савдо йўлларидаги аҳамиятига келадиган бўлсак, Қашғар XIX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёдаги асосий савдо марказларидан бири бўлиб, у Хитой, Ҳиндистон, Россия ва бошқа минтақалар ўртасидаги товар айирбошлиш нуқтаси сифатида хизмат қилган. Бу шаҳар Ипак йўлининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, у ерда ҳунармандчилик, пахтачилик, ипак ишлаб чиқариш ва карвон савдоси тараққий этган. Қашғар орқали ўтувчи асосий савдо йўналишлари қуйидагилар эди:

Қашғар – Кулжса – Верный (ҳозирги Алматы): Бу йўл асосан Россиянинг Семиречье ҳудуди билан Қашқарни боғлаган. У орқали ипак, пахта матолари ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари олиб ўтилган.

Қашғар – Кўқон – Тошкент – Оренбург: Бу йўналиш Россия билан Қашғар ўртасидаги асосий савдо магистрали бўлиб, Кўқон орқали ўтган. Бу ердан рус савдогарлари ғалла, металл буюмлар, қурол-яроғ ва матолар етказиб берган.

Қашқар – Хотан – Лобнор – Гансу: Бу йўналиш Хитой билан боғланган бўлиб, асосан ипак, нефрит, чой ва бошқа маҳсулотлар Хитойга экспорт қилинган.

Қашғар – Ладакх – Ҳиндистон: Ҳиндистон бозорлари билан савдо йўли бўлиб, бу ердан жун, каркера (ишчи кучи), турли қимматбаҳо тошлар ва ҳинд матолари олиб келинган.

XIX асрда Россия Марказий Осиёда ўз таъсирини кучайтириш орқали ушбу йўллардан фойдаланишини режалаштирган, лекин Қашғардаги сиёсий бекарорлик ва Хитой таъсири бу жараённи мураккаблаштирган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Шарқий Туркистон иқтисодиёти қишлоқ ҳўжалиги, ҳунармандчилик ва савдо устига қурилган эди. Бу даврда минтақа Хитой империяси, Россия империяси ва Марказий Осиё хонликлари билан иқтисодий алоқаларни

ривожлантирган. Айниқса, Қашғар ва унинг атрофидаги савдо йўллари иқтисодий фаоллик маркази сифатида хизмат қилган. Шарқий Туркистоннинг асосий савдо йўллари Буюк Ипак йўлининг таркибий қисми сифатида хизмат қилган. XIX асрда ушбу йўлларнинг аҳамияти яна ортиб, улар орқали қуийдаги товарлар айирбошланарди- Хитой томондан: чой, ипак, қоғоз, керамика буюмлари;

Россия ва Марказий Осиёдан: пахта, жун, металл буюмлари, қимматбаҳо тошлар; Маҳаллий ишлаб чиқариш: қуруқ мевалар, теридан ясалган буюмлар ва гиламлар;

Бу савдо минтақада иқтисодий интеграцияни оширди ва Қашғарни катта бозор марказига айлантириди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия ва Британия империяларининг Марказий Осиёдаги рақобати савдо йўлларининг географик ўзгаришига олиб келди. Масалан: Россия томонидан Туркистонга йўллар очилиши ва 1879 йили Транс-Каспий темир йўлининг қурилиши минтақада Фарб таъсирини кучайтириди. Британиянинг Ҳиндистон орқали Гилгит (Покистон) ва Кашмирдан олиб борилган савдо йўллари Қашғарнинг Жанубий Осиё билан боғланишини таъминлади.

Хитойнинг 1877-йилдаги истилоси ва Яқуббек давлатининг қулаши Хитой ҳукумати томонидан иқтисодий назоратни мустаҳкамлади. Бу ўзгаришлар эса ўз навбатида Қашғар ва унга боғлиқ савдо марказлари учун янги иқтисодий имкониятлар ва чекловлар яратди.

В. Кулешовнинг "Русское посольство в Кашгар в 1875 году" асарида Россия–Қашғар савдо йўллари ҳақида маълумотлар мавжуд. Унинг тасвирилашича, рус савдогарлари асосан Қўқон орқали Қашғарга борган ва бу йўналиш Яқуббек ҳокимияти даврида қийинлашган. У Россиянинг Қашғар билан тўғридан-тўғри савдо йўлини ривожлантириш истаги борлигини таъкидлайди.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Қашғар савдо йўллари нафақат минтақавий, балки халқаро иқтисодиётнинг муҳим қисми бўлди. Россия ва Британия империяларининг иқтисодий манфаатлари ушбу ҳудуднинг савдо географиясига таъсир кўрсатган бўлса-да, Қашғар ўзининг иқтисодий аҳамиятини сақлаб қолган. XX асрга келиб, технологик тараққиёт ва сиёсий ўзгаришлар бу йўлларнинг ролини ўзgartирди, лекин уларнинг иқтисодий тарихи ҳали ҳам Марказий Осиёнинг савдо маданиятини тушуниш учун муҳим ҳисобланади. Қашғар XIX асрда Марказий Осиёдаги энг муҳим савдо марказларидан бири бўлиб, у Хитой, Россия, Ҳиндистон ва Қўқон ўртасидаги товар айирбошлаш жараёнларида ҳал қилувчи рол ўйнаган. Россиянинг Қашғарга йўналтирган элчиликларидан бири – 1875 йилдаги Скобелев миссияси – ушбу

худуд орқали тўғридан-тўғри савдо йўлларини ривожлантириш уринишларидан бири эди, лекин у муваффақиятсизликка учради.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Шарқий Туркистон иқтисодиёти қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик ва савдо устига қурилган эди. Қашғар эса ушбу иқтисодий тизимнинг муҳим маркази бўлиб, Хитой, Россия, Ҳиндистон ва Марказий Осиё бозорларини боғлаб турарди.

Д.М.Бутининг экспедицияси эса айнан Россия ва Шарқий Туркистон ўртасидаги савдо муносабатларини ўрганишга қаратилган бўлиб, Россия Савдоси ва Саноатни ривожлантириш жамиятига экспедиция юзасидан берган ҳисботида Қашғарнинг иқтисодий ҳолати, бозорлари ва савдо йўллари ҳақида муҳим маълумотларни учратиши мумкин. Унинг кузатувларига кўра, Россиядан келтирилган товарлар асосан Қашғарда тўхтаб, у ердан Хитой ва бошқа минтақаларга тарқалган. Савдо йўлларининг ўзгариши ва иқтисодий оқибатлар эса Шарқий Туркистоннинг савдо йўллари XIX аср давомида сезиларли даражада ўзгарди. Бу ўзгаришлар сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий омиллар таъсирида содир бўлди. Нерчинск округи 1-гильдия савдогари Дмитрий Бутин қуидаги асосий йўлар ҳақида маълумотлар келтириб ўтган.

Россия – Қашғар – Хитой йўли: Бу йўналиш Россиянинг Семиречье ва Оренбург орқали Қашғарга, кейин эса Хитойга олиб борувчи асосий савдо йўли эди.

Ҳиндистон – Қашғар йўли: Британия мустамлакаси бўлган Ҳиндистондан йўлга чиққан савдогарлар Кашмир ва Гилгит орқали Қашғарга етиб борган.

Марказий Осиё – Қашғар йўли: Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларидан келган каравонлар Қашғар бозорларига тўғридан-тўғри кириб келган.

Нерчинск округи 1-гильдия савдогари Дмитрий Бутиннинг ҳисботларида бу йўллар бўйлаб қандай товарлар айирбош қилингани, уларнинг иқтисодий қиймати ва географик аҳамияти тўғрисида муҳим маълумотлар келтирилган. Дмитрий Бутиннинг ҳисботи Россиянинг Қашғар билан савдосини чуқур таҳлил қилиб, бу савдо йўналишининг муҳим аҳамият касб этганини кўрсатади. Унга кўра, Қашғар орқали Россияга ипак, қуруқ мевалар ва пахта экспорт қилинган, Россиядан эса темир буюмлар, чой ва тери маҳсулотлари олиб келинган. XIX асрда Шарқий Туркистондаги савдо йўллари бир қатор сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларга дуч келди. Бу ўзгаришлар қуидаги омилларга боғлиқ бўлди: *Биринчидан*, Россия – Қашғар – Хитой йўлининг ривожланиши Россия XIX асрда Марказий Осиёда ўз нуфузини кенгайтириб, Қашғар билан савдо муносабатларини кучайтирди. Бутиннинг ҳисботларига кўра, Қашғарга Россиядан олиб келинадиган асосий товарлар ипак, қуруқ мевалар ва пахта бўлган. Россия эса Қашғар

орқали Хитой бозорига чиқиши имкониятини қидирган; *Иккинчидан*, Ҳиндистон – Қашғар йўли ва Британия манфаатлари Британия империяси Ҳиндистондан Қашғарга товар етказиб беришда қизиқиши билдириган;

Учунчидан, XIX асрнинг иккинчи ярмида Қашғар савдо марказига айлангани сабабли, унинг иқтисодий таъсири сезиларли даражада ортди. Россия ва Британия компаниялари ушбу бозорда устунлик қилиш учун кураш олиб борган. Бутиннинг ҳисботларида Россиядан олиб келинган товарлар айланмаси ортиб боргани қайд этилган. Масалан, 1860-йиллар билан солиширгандан, 1870-йилларга келиб, Россия товарларининг улуши 40% га ошган; *Тўртинчидан*, Қашғар бозорида савдо асосан карвон орқали амалга оширилган. Бутиннинг қайд этишича, Қашғардан ҳар йили юзлаб карвонлар Россия ва Хитойга товар ташиган .

XIX асрнинг иккинчи ярмида Шарқий Туркистон савдо йўллари минтақавий ва халқаро савдода муҳим ўрин тутган. Россия ва Британия империялари бу худудда ўз манфаатларини илгари суришга интилиб, Қашғарни асосий савдо марказига айлантиришган. Бутиннинг ҳисботлари бу жараёнларнинг иқтисодий ва сиёсий аҳамиятини тасдиқлади. Унинг кузатувлари асосида, Қашғар савдоси XIX асрда нафакат маҳаллий иқтисодиёт, балки халқаро иқтисодий муносабатларга ҳам катта таъсир кўрсатгани хулоса қилинади.

В.Кулешов ва Д.М.Бутин маълумотлари асосида қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, Россия ва Қашқар ўртасидаги савдо муносабатлари Кўқон ва Хитой ҳукумати таъсири остида шаклланган, бу эса Россиянинг мустақил савдо стратегиясини амалга оширишини қийинлаштирган.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

1. Туркестанский Сборник -43 том, С-Петербург 1867-1887 г.
2. Куропаткин А.Н Кашгария: Историко-географический очерк страны, её военные силы, промышленность и торговля. С-Петербургъ-1879.
3. В.Кулешов, запись со слов Х.А.Чанышевого “Русское посольство в Кашгар в 1875 году”-Викитехи 14 января 2025 г.
4. <http://historybiz.ru>